



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

**ТИББИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ
БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ**

Комилова Нилуфар Каршибоевна

г.ф.д., профессор

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

e-mail: nkomilova75@mail.ru

Эгамқулов Ҳусниддин Эркабоевич

докторант

Гулистон давлат университети

e-mail: husniddinguldu@gmail.com

Аннотация: Мақолада тиббий географик районлаштиришнинг илмий-назарий масалалари, бу борада фаолият олиб борган олимларнинг ишлари ёритилган. Улар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларнинг айрим жиҳатлари очиб берилган. Ўзбекистон ҳудуди бир неча тиббий географик районлар, қолаверса қатор кичик тиббий географик районларга ажратилган.

Калит сўзлар: тиббий географик район, табиий-ҳудудий мажмуалар, касаллик ўчоғи, тиббиёт географияси, кичик тиббий географик районлар, аҳоли саломатлиги.

SOME PROBLEMS OF MEDICAL GEOGRAPHICAL REGION

Komilova Nilufar

Egamqulov Husniddin

Annotation: The article deals with scientific and theoretical issues of medical geographical zoning, the work of scientists working in this area. The territory of Uzbekistan, which reveals some aspects of their research, is divided into several medical geographical regions, as well as a number of small medical geographical regions.

Keywords: Medical geographical area, natural-territorial complexes, outbreak, medical geography, small medical geographical areas, public health.

Тиббий географик район таснифи комплекс масала саналади ва бунда бир қанча кўрсаткичларга эътибор қаратилиши зарур. Аввало, ҳар қандай тиббий географик районга ўзига хос табиий-ҳудудий мажмуа сифатида, табиат томонидан инъом этилган қатор касалликлар вужудга келиши учун макон сифатида қараш лозим. Кўпгина мутахассислар геотизимларнинг биогеокимёвий таркибини таҳлил қилиш орқали кўпгина аллергик хасталикларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаганлар.

Тиббий географик районлаштириш борасидаги назарий масалаларнинг ёритилишида В.И.Вернадскийнинг хизматлари катта. У ўзининг 1926 йилда яратган айрим кимёвий элементларнинг ер пўстида айланиши борасидаги қонуниятида тиббий географик районлаштиришнинг дастлабки пойдеворини яратди[1].

Тиббий географик районлаштириш борасида таниқли тиббий географ олим Е.И.Игнатъевнинг ҳам ҳиссаси бор. Олим ўз тадқиқотларида тиббий географик районлаштиришда географик муҳитнинг табиий омиллари, шунингдек, Ер ландшафт қобиғининг ва унинг таркибий хусусиятларига алоҳида эътибор лозимлигини уқтириб ўтди [2].

З.И.Мартынов фикрича, «район» атамаси умумий ҳолда ҳудуднинг ҳар қандай ажратилган қисмидир. Олим тиббий географик районлаштиришнинг уч гуруҳини эътироф этади [3]: ҳудудларни ареаллар кўринишида районлаштириш (масалан, касалликлар ареаллари, касаллик уйғотувчилар ареаллари, касаллик ташувчилар ареаллари); касалликларнинг тарқалишига таъсир этувчи географик муҳит омиллари асосида районлаштириш; табиий-худудий мажмуалар ва уларнинг тиббий географик баҳолашга бағишланган районлаштириш.

Б.Б.Прохоровнинг таъкидлашича, «Тиббий географик район тиббий географик мажмуаларнинг яшин, ёпиқ тизими бўлиб, улар одатда, аҳолининг бир хил хўжалик тури, шунингдек, касалликларнинг табиий юзага келувчи ўзига хос берк масканларидир. Бундай тизимларда барча табиий (сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами) ва иқтисодий-ижтимоий омиллар (аҳоли, саноат, транспорт) мажмуи бошқа ҳудудларникидан бирмунча, баъзан бутунлай фарқланади» [2].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тиббиёт географиясининг ривожидида тиббий географик районлаштириш асосий масалалардан бири ҳисобланади, чунки географик тадқиқотларни районлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тиббий географик районлаштириш (ТГР) тиббиёт географиясининг муҳим ва зарурий усулларида ҳам биридир.

XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб собиқ Иттифоқда тиббий географик районлаштириш масаласига қизиқиш жуда кучайиб кетди. Тиббий географик районлаштиришга бағишланган Бутуниттифоқ кенгашлари мунтазам ўтказилиб турилди ва бу ҳақда катта назарий ҳамда амалий материаллар тўпланди. Жумладан, Россияда Е.И.Игнатъев (1962), А.А.Келлер, Б.Б.Прохоров (1964), В.П.Подольян (1981) ва бошқаларнинг тиббий географик районлаштириш борасида хизматлари катта.

Тиббий географик районлаштиришнинг назарий жиҳатдан пухта асосланган ғояси, услуби ва таксономик бирлиги фақатгина илмий аҳамиятга

эга бўлиши билан бирга халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, бу ерда тиббий географик районлар ичидаги нозогеографик ўчоғлар, улар орасидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳатдан теран англаш талаб этилади. Тиббий географик районлаштириш амалий жиҳатдан ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган табиий-худудий ва иқтисодий-ижтимоий мажмуаларни кишилар саломатлиги нуктаи назаридан баҳолаш ҳамда шу шароитдан келиб чиққан ҳолда зарурий чоратадбирларни қўллашни кўзда тутди. Муайян ҳудудни районлаштиришда тадқиқотчилар турли усуллардан, жумладан: таққослаш, хариталаштириш, ландшафт таҳлили кабилардан фойдаланадилар.

Мазкур ишда тиббий географик районларни ажратишда қуйидаги тамойиллар (принциплар) бош мезон қилиб олинди: ҳудудлар географик ўрнининг умумийлиги; табиий ва экологик шароитларнинг ўхшашлиги; ҳудуднинг хўжалиги, унинг тармоқлар таркиби ва ихтисослашуви; умумий ва гўдаклар ўлим кўрсаткичлари; айрим касалликлар нозогеографик ареалларининг мавжудлиги; касалликлар гуруҳларининг тарқалиш даражаси ва ихтисослашуви; маъмурий-худудий бирликнинг яхлитлиги ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тиббий географик районлаштиришда биз, аввало, мамлакат ҳудудини комплекс ҳолда тиббий географик баҳолашни лозим топдик. Чунки, ўлкамиз минтақалари бири-биридан нафақат табиий географик хусусиятлари, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий, экологик хусусиятларига кўра фарқланар экан, бунда ҳудудларнинг рельефи ва иқлими, тупроқлари, ер ости ва ер усти сувлари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, аҳоли зичлиги ва урбанизация даражаси, саноат ва транспорт тугунлари қалинлиги сингари омиллар бевосита эътиборга олинади. Ушбу омиллар мажмуа ҳолатда инсон саломатлигига таъсир кўрсатади. Бинобарин, бундай тарзда ўзига хос интеграл тиббий-хўжалик районлар тўғрисида ҳам фикр юритиш мумкин [4].

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудуди олтига ижтимоий-иқтисодий минтақаларга ажратилади [5]. Ушбу ишда республикаимиз аҳолиси касалликларининг худудий таркибини таҳлил қилишда юқоридаги олти минтақага асосланиш маъқул топилди. Сабаби, мазкур ҳудудлар мамлакатимиз ҳудудини тўлалигича қамраб олиш билан бирга, улар тадқиқот учун жуда қулай ва давлат томонидан тегишли дастурларни ишлаб чиқишда амалий аҳамият касб этади. Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон ҳудуди қуйида олти тиббий географик район ва уларнинг таркибида 23 та

кичик тиббий географик районларга ажратилди²⁰. Юқоридаги асосий тиббий географик район ва кичик районлар ўзига хос интеграл районлар дейилади. Айни вақтда алоҳида касалликлар тарқалиши, уларнинг ареалларини ажратиш асосида эса “тармоқ”ёки айрим касалликлар районлари деб эътироф этиш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудуди тиббий географик районларга ажратилганда унинг ҳар қайси минтақасига, қолаверса маъмурий ҳудудларига хос бўлган касаллик гуруҳлари, аҳолининг умумий касалланганлик даражаси, ўлим кўрсаткичлари каби ҳолатларни таққослаш мумкин бўлади. Бу эса, келгусида минтақаларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини янада яхшилашда устувор йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Комилова Н.Қ, Тиббиёт географиясининг назарий ва амалий масалалари. – Тошкент: Шарқ, 2016, -5 б.
2. Прохоров Б.Б. Медико-экологическое районирование и региональный прогноз здоровья населения России. -М.: Изд-во МНЭПУ, 1996. -71 с.
3. Чаклин А.В. Медицинская география. -М.: Знание, 1977. -128 с.
4. Комилова Н.Қ., Равшанов А., Муҳаммедова Н., Тиббиёт географияси ва глобал саломатлик. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2019-10 б.
5. Солиев А.С., Ахмедов Э.А ва б. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: Университет, 2003. -304 б.

²⁰ 1. Тошкент тиббий географик райони: Тошкент ёки пойтахт агломерацияси; Бўстонлик-Паркент тоғ ва тоғ олди райони; Тоғ-кон саноатига ихтисослашган Ангрен-Олмалиқ райони; Аграр-индустриал йўналишдаги Бўка-Бекобод райони. II. Фарғона тиббий географик райони: Қўқон воҳаси; Фарғона-Марғилон агломерацияси; Марказий Фарғона райони; Андижон агломерацияси; Тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан ҳамда суғорма деҳқончилик майдонларидан иборат Чуст-Поп райони; Наманган агломерацияси. III. Мирзачўл тиббий географик райони: Айдар-Арнасой кичик тиббий географик райони; Янги ўзлаштирилган ҳудудларни ўз ичига олган Мирзачўл воҳаси; Нурота-Туркистон тоғ ва тоғ олди райони. IV. Зарашон тиббий географик райони: Ўрта Зарафшон; Қуйи Зарафшон воҳаси; Бухоро-Навоий чўл райони. V. Қуйи Амударё тиббий географик райони: Хоразм воҳаси; Оролбўйи. VI. Жанубий тиббий географик район: Қуйи Қашқадарё; Ўрта Қашқадарё; Юқори Қашқадарё; Ҳисор-Кўхитанг; Қуйи Сурхондарё; Юқори Сурхондарё.